

**Биз, бюджет ходимлари қилмаган
иш қолмади**
Ўзбекистонда давлат хизматчиларининг
мажбурий меҳнати



Биз, зиёлилар учун мажбурий меҳнат тақиқлангани янгилик эмас. Мажбурий меҳнат Конституциямизда ҳам, меҳнат қонунчилигида ҳам тақиқлаган. Аммо ҳозирча бу қонунлар, жумладан, бизни ҳимоя қилиши керак бўлганлар томонидан ҳам бажарилмаяпти.

—Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги мактаб директори, 2018 йил 3 июль.

Ҳисобот Бирдамлик маркази томонидан Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми билан ҳамкорликда 2019 йил февралда эълон қилинган.

Эллисон Гилл Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми (UGF) томонидан ўтказилган тадқиқотларга асосланган ушбу ҳисоботнинг асосий муаллифи ҳисобланади. Бирдамлик маркази UGFнинг бундай ҳисоботнинг тайёрланишига асос яратган далилларни ўз шахсий хавфсизлиги нуқтаи назаридан аноним тарзда йиғаётган мард кузатувчилари тармоғига алоҳида миннатдорлик билдиради.

Мухаррирлар: Руди Портер, Кейт Конрадт и Эбби МакГилл
Дизайн: Дипика Мехта

Бирдамлик маркази, 2019.
Барча ҳуқуқлар ҳимояланган

Муқовада

Ипак қуртини боқиш учун ишчилар тут баргларини йиғмоқда.
2018 йил май. Тимур Карпов олган сурат.

Ушбу ҳисоботнинг сарлавҳаси - “Биз бажармаган иш қолмади” (ҳисоботдаги сарлавҳани ҳам шунга мослаш керак) UGF кузатувчиси томонидан 2018 йил 3 июнда интервью олинган Самарқанд вилоятидаги давлат банки ходимининг сўзларидан цитагадир.



Резюме

Ўзбекистондаги ҳар йилги пахта терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат анчадан буён халқаро ҳамжамият эътиборида турибди ва қораланиб келинмоқда. Аммо, айниқса, давлат хизматчиларининг турли соҳалардаги кенг қўламли, тизимли ва мунтазам мажбурий меҳнати эътибордан четда қолмоқда. Пахта теримида болалар меҳнатидан тизимли равишда фойдаланиш 2014 йилда аста-секин тўхтатилган, ўн йилдан ортиқ давом этган халқаро босимдан сўнг яқинда ҳукумат бу соҳада катталарнинг мажбурий меҳнатига чек қўйиш ҳақида ошқора ваъда берган бўлса-да, бошқа соҳаларда бу иллат авж олгани сир эмас. Ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, ташкилотлар хизматчилари мунтазам равишда кўчаларни супуришга, гул экишга, қурилиш ишларига, ариқларни тозалашга ва давлат объектлари ҳудудларида озодаликни сақлашга жўнатилади. Мазкур ишлар қўшимча ҳақ тўланмаган ҳолда бир неча соатга ёки ҳафтада бир неча кунга чўзилиши мумкин ва бу уларнинг доимий иши – коммунал ва давлат хизматлари кўрсатишга салбий таъсир этади. Улар бу ишларни кўнгилли равишда эмас, балки ишини йўқотиш, маоши камайиши ёки интизомий чоралар кўрилиши таҳдиди остида бажаради. Апрельда Самарқандда магистрал кўчани

Ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, ташкилотлар хизматчилари мунтазам равишда кўчаларни супуришга, гул экишга, қурилиш ишларига, ариқларни тозалашга ва давлат объектлари ҳудудларида озодаликни сақлашга жўнатилади. Мазкур ишлар қўшимча ҳақ тўланмаган ҳолда бир неча соатга ёки ҳафтада бир неча кунга чўзилиши мумкин ва бу уларнинг доимий иши – коммунал ва давлат хизматлари кўрсатишга салбий таъсир этади.

тозалаш вақтида юк машинаси ўқитувчи аёлни уриб кетганидан сўнг Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев бюджет ходимларининг мажбурий меҳнатига бутунлай барҳам беришни ваъда қилди.

Ушбу ҳисоботга Ўзбекистон-Германия форуми мониторингчиларининг кичик гуруҳи томонидан 2018 йил баҳорининг икки ойи давомида Ўзбекистоннинг тўққизта вилоятида мажбурий меҳнатга жалб қилинган давлат хизматчилари ва бошқа шахслар билан ўтказилган интервьюлар асос қилиб олинган. Ҳисобот 2018 йил баҳорида мансабдор шахслар таълим ва тиббиёт ходимларини ғўза чопиғига мажбурламаган бўлса-да, уларни бошқа соҳаларда эксплуатация қилишда давом этганини кўрсатади. Респондентлар ўзларига берилган саволларга батафсил жавобларида маҳаллий амалдорларнинг буйруқлари бўйича ҳудудларни тозалаш ва ободонлаштириш, кўчаларни супуриш, донли экинларни йиғиштириб олиш, металллом ва макулатура топшириш каби турли ишларни мажбурий бажариш тизимини тавсифлаб бердилар. Шунингдек, ҳисоботда маҳаллий амалдорлар президент томонидан март ойида эълон қилинган “Обод қишлоқ” дастурини бажаришга мажбурланиши баён қилинган. Мазкур дастур доирасида давлат хизматчилари ҳатто хусусий уйларни таъмирлаш, бўяш ва томорқа ишларини бажариш, жумладан, зарур материалларни харид қилишга ҳам тўла масъулдилар.

Мажбурий меҳнат билан боғлиқ харажатлар, жумладан, овқатланиш, иш жойига бориш-келиш, шунингдек, қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, экиш учун гул ва кўчатлар хариди кабилар кўпинча бюджет ходимлари зиммасига тушади. Мажбурий меҳнатга қўшимчасига мансабдор шахслар улардан мажбурий обуна ва давлат (“жамоат”) ишларини субсидиялаш мақсадида турли тадбирларга пул ушлаб қолади. Ўқувчиларни жазолаш билан кўрқитишиб, дарсдан пилла теримига олиб кетишганини болалар ва фермерлар баён қилишди. Ҳисоботдан англашиладики, маҳаллий амалдорлар давлат хизматчиларини доимий ишчи кучи ҳамда маҳаллий ҳокимият эҳтиёжлари ва марказнинг буйруқлари ижросини таъминлаш воситаси ҳисоблайди. Мамлакатда энг кам иш ҳақи оладиган малакали мутахассисларни амалдорларнинг танतिकликлари сабаб малакасиз қўл меҳнатига соатлаб, кунлаб, ҳатто ҳафталаб жалб этиш соғлиқни сақлаш ва таълим каби асосий давлат хизматлари учун вайронкор таъсир этиши танганинг бошқа бир томонидир.

Ҳисобот давлат ва ёки иш берувчига қарам бўлган ва заиф касаба уюшмалари хизматчиларнинг манфаатини ифода этиш ва уларни мажбурий меҳнатдан ҳимоя қилиш имкониятига эга эмаслигини кўрсатади. Сўровда қатнашган хизматчилар ўз касаба уюшмаларини самарасиз ва “ожиз” деб атади ва улар баъзан ҳатто мажбурий меҳнатни ташкил этишга кўмаклашиши ва бу ишларга раҳбарлик қилишини билдирдилар.

Ушбу тадқиқотни ўтказиш вақтида мажбурий меҳнат давом этганига қарамай, баъзи ўзгаришлар бўлаётгани ҳақида маълумотлар ҳам бор. Фарғона вилоятида битта респондентдан ташқари барчаси президент бюджет ходимларини мажбурий меҳнатга жалб этишни тақиқлаганидан сўнг амалдорлар уларни бундай ишларга жўнатишмаётганини маълум қилди.

Пахтачиликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати диққат марказида турган асосий масалага айланганига (бу сезиларли ўзгаришларга олиб келди ҳам) қарамай, ҳисобот тантанавор баёнотлар ва фақат битта тармоққа эътиборнинг ўзи етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Ҳукумат мажбурий меҳнат йўқ бўлишига тўсқинлик қилаётган тизимли сабабларга дарҳол барҳам бериши лозим. Бу омиллар сирасига мустақил, ишончли касаба уюшмаларининг ҳамда шикоят қилиш ва жавобгарликка тортишнинг самарали механизмлари йўқлиги, назоратсиз коррупция, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳисобдор эмаслиги, марказдан бериладиган мажбурий режалар ва мамлакатда деҳқончиликнинг ўз моҳиятига кўра жазоловчи ва таловчи тизими мавжудлиги киради.

Қишлоқ аҳолиси кўпинча ипак куртини ўз уйида боқишга мажбур. Аксарият ҳолларда бундан мақсадлар учун улар ўзлари яшаб турган хоналарни ҳам бўшагиб беради. 2018 йил май. Тимур Карпов олган сурат.



Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва эксплуатация

Ўзбекистон ҳукумати мажбурий меҳнат тизими доирасида ҳар йили юз минглаб фуқарони пахта теримига жалб қилади.¹ Пахта етиштиришнинг марказлаштирилган режаларини бажариш вилоят ва туманлар раҳбарлари учун устувор ҳисобланади, акс ҳолда улар “пахта йиғим-терими мавсумида йўл қўйилган хатолар” ва мавсумни яхши ташкил этмагани учун ўз лавозимидан ажраб қолиши мумкин. Ўз навбатида, бу раҳбарлар буйруғи билан корхона ва муассасалар хизматчилари ишдан бўшатилиш таҳдиди остида пахта теримига жўнатилади. Кўп йиллар давомида талабалар, тиббиёт ва таълим соҳаси ходимлари биринчилардан бўлиб пахтага йўл оларди. Дастлабки маълумотларга кўра, давлат хизматчиларининг бу тоифаси вакиллари 2018 йилги терим мавсумига (мазкур ҳисобот тайёрланаётганда мавсум давом этаётганди) камроқ, маҳаллий коммунал хизматлар, энергокомпаниялар, ун заводлари каби бошқа давлат корхоналари ходимлари эса кўпроқ сафарбар этилди.²

Пахтачиликдаги мажбурий меҳнат кўп йиллардан буён рад этиб келинаётгани ортидан яқинда Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу фактнинг тан олинishi ва мазкур амалиётга чек қўйиш ҳақида энг юқори доирада ваъда берилгани бир қанча сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди.³ Улардан бири ҳукуматнинг пахта терими ишларига университетлар талабалари, таълим ва тиббиёт ходимлари, давлат ва хусусий секторнинг бошқа хизматчилари қатнашишини тақиқлашни таъминлаш мажбуриятини зиммасига олиши тўғрисидаги баёнотидир. Гарчи бу сиёсат ҳали 2015 йилдаёқ тасдиқланган бўлса-да, ўтган йилгача бажарилмай келаётган эди. Терим бошланганидан бир неча ҳафта ўтиб, 2017 йил 21 сентябрда бош вазир Абдулла Арипов соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларининг пахтага жалб этилган хизматчиларидан бир қисмини ишига қайтариш тўғрисида буйруқ берди.⁴ Бунинг натижасида университетлар талабаларининг деярли барчаси ва

тиббийгчилар ва ўқитувчиларнинг бир қисми, гарчи кейинчалик яна далага жўнатилган ёки ўрнига одам топиш учун пул тўлашга мажбурланган бўлса-да, ишига қайтарилди.⁵

Хукумат пахта далаларидаги ишларни бюджет хизматчиларининг текин меҳнатлари эвазига субсидиялашдан воз кечиш ниятини 2018 йил баҳорида янада мустаҳкамлашга уринди. Пахтачиликда далани тайёрлаш, экиш, чопиқ қилиш, яганалаш ишлари минтақа шароитидан келиб чиқиб апрель ойида ёки майнинг аввалида бошланади ва бир неча ойга чўзилиши мумкин. Кўп йиллар давомида хукумат таълим, соғлиқни сақлаш ва давлат секторининг бошқа тармоқлари хизматчиларини ҳеч қандай ҳақ тўламасдан ва жазолаш, жумладан, ишдан бўшатиш таҳдиди билан дала юмушларини бажаришга мажбурлаб келди.⁶ Ўзбекистон-Германия форуми (UGF) 2018 йилда биринчи марта хукумат тиббийг ва таълим соҳаси ходимларини оммавий равишда пахта далаларига сафарбар қилмаганини аниқлади.⁷ Гарчи UGF тиббийг ва таълим муассасаларининг, асосан, техник ходимлари баҳорги дала ишларини бажаришга мажбурланганига оид бир неча ҳолатни ҳужжатлаштирган бўлса-да, мазкур соҳаларнинг сўровда қатнашган аксарият хизматчилари 2018 йил баҳорида биринчи марта пахта далаларига жўнатилмаганини маълум қилди. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, пахта далаларидан олинган дастлабки маълумотлар жорий йилда давлат хизматчиларининг қатор тоифалари кенг кўламда меҳнатга жалб этилганидан далолат бермоқда ва бу меҳнатнинг мажбурийлик тусига эга экани хавотир уйғотишда давом этмоқда.⁸

Ўзбекистон хукумати бюджет хизматчиларининг ўз вазифасига кирмайдиган, ҳақ тўланмайдиган мажбурий меҳнатидан кўп йиллар давомида нафақат пахтачиликда фойдаланиб келди. Бошқа қишлоқ хўжалиги ишлари, пилла етиштириш ва териб олиш, кўчаларни тозалаш, ҳудудлар ободончилиги, дарах ва гуллар экиш, уларни буталаш, шунингдек, қурилиш ҳам шу каби юмушлар сирасига кирарди. Ҳокимият вакиллари давлат хизматчиларидан коммунал тўловлар ва бошқа қарздорликларни йиғиш, кишиларни пахта теримига сафарбар этиш бўйича аҳоли билан ишлашни талаб қиларди, уларни жамоат тадбирлари учун пул тўлаш ёки турли билетлар сотиб олишга ҳам мажбурларди. Амалдорлар бюджет ходимларидан металллом ва макулатура йиғишни (унда иштирок этмаса эса пул тўлашни) талаб қилади, мажбурий обуна учун маошидан ушлаб қолади, ўзлари ишлаётган муассасалар таъмири учун ва уларнинг доимий вазифасига боғлиқ бўлмаган турли тўловлар ундиради. Бу пуллар қандай сарфланиши юзасидан ҳисоб бермайди. Бундан ташқари, ҳокимият органлари ва муассасалар маъмуриятларидан мустақил ишлашга қурби етмайдиган заиф қасаба уюшмалари ўз аъзоларини мажбурий меҳнатдан ҳимоя қила олмайди.

Бундан ташқари, ҳокимият органлари ва муассасалар маъмуриятларидан мустақил ишлашга қурби етмайдиган заиф қасаба уюшмалари ўз аъзоларини мажбурий меҳнатдан ҳимоя қила олмайди.

2018 йил март ойида президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи олдидан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида катта йўлни тозалаётган ўқитувчилардан бири – 23 ёшли Диана Еникеевани юк машинаси уриб кетди.⁹ Еникееваннинг ўлими сўнгги икки йил давомида кескин муаммоларни муҳокама қилиш ва мажбурий меҳнат каби иллатлар ҳақида хабарлар тарқатишда катта эркинликка эга бўлган оммабоп нашрлар ва ижтимоий тармоқларда фавқулодда акс садо берди.¹⁰ Бу фожеа амалдорларни бюджет хизматчиларининг мажбурий меҳнатини қоралаб чиқишга ва мазкур амалиётга чек қўйиш мажбуриятини олишга мажбур этди.¹¹ Апрель ойида Мирзиёев амалдорларга давлат хизматчилари ва талабалардан кўчаларни тозалаш, тартибни сақлаш ва бошқа “жамоатчилик” ишларида фойдаланишга чек қўйишни буюрди. Бу талаб вилоят ва туман раҳбарлари иштирокидаги йиғилиш чоғида Арипов томонидан ҳам такрорланди.¹² 10 май куни Мирзиёев ўз фармони билан давлат хизматчиларини буйруқ асосида кўча тозалаш ва пахта терими каби “жамоатчилик” ишларига жўнатишни тақиқлади.¹³

Аммо мажбурий меҳнатга барҳам бериш қатъияти ҳақидаги баландпарвоз гап-сўзларга қарамай, бошқа баёнотлар ва саъй-ҳаракатлар ҳатто энг юқори даражадаги амалдорлар ҳам муаммонинг қўламини англамаётгани ва мажбурий меҳнатга имкон берувчи сиёсатни амалга оширишда давом этаётганини кўрсатмоқда.

Август ойида Арипов ҳудудларни тозалаш ва ободонлаштириш мақсадида икки кунлик умумхалқ ҳашари ўтказиш тўғрисида қарор чиқарди.¹⁴ Ҳашар – жамоа аъзоларига кўнгилли равишда ёрдам кўрсатишга асосланган ўзбекона одат. У оммавий кўнгиллиликни ёки ҳукумат буйруғи билан ишлашни англамайди.¹⁵ Ушбу буйруқ муҳокамасида Арипов ҳар қандай ҳашарни ҳам мажбурий меҳнатга тенглаштиравиш тўғри эмаслигини таъкидлади ва ҳашарда қатнашаётган кишиларнинг суратини кўрсатган ҳолда мажбурий меҳнат ҳақида ёзаётган “муҳолиф нашр”ларни қоралади.¹⁶ Мансабдор шахслар кўпинча, жумладан, пахта терими ва кўчаларни тозалашдаги мажбурий меҳнатни яшириш мақсадида “ҳашар” тушунчасидан ноқонуний фойдаланиб келди. Ариповнинг танбеҳидан бор-йўғи бир кун ўтиб Хоразм вилоятилик ўқитувчи “Фейсбук”да (“Халқ билан мулоқот” блоги) уни ва бошқа ўқитувчиларни таҳдид остида қурилиш чиқиндиларини ташиш ва қурилиш майдонларини ўтлардан тозалашга мажбурлашаётганини хабар қилиб, “Илтимос, бизга ёрдам беринг!” деб ёзди.¹⁷

Олий ҳокимият органларининг турлича реакцияларига қарамай, қонунбузарликларнинг олдини олиш ва мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш чоралари кўриляпти, аммо бу аҳён-аҳёнда ва ноизчил амалга ошириляпти.¹⁸ Вазият ўзгараётгани тўғрисида айрим далиллар бўлишига қарамай, ўз вақтида суриштирувлар ўтказиш ва етарли даражада ҳимоя воситалари тақдим этиш учун ҳукуматга меҳнатни кучли, мустақил назорат қилувчи ёки бошқа механизмлар етишмаяпти. 2018 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти кўмагида юзлаб меҳнат инспекторлари ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари меҳнат шароитлари ва мажбурий меҳнатни текшириш бўйича тайёргарликдан ўтди.¹⁹ Ҳозирча бундай текширувлар, асосан, қуйи даражадаги амалдорларга нисбатан ўтказиляпти, қарор қабул қилиш занжири бўйлаб тепага кетмаяпти ва сабаблари сари чуқурлашмаяпти. Бир мисол. Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистондаги университет факультетларидан бирининг декани талабаларни маҳаллий фермерга “ёрдам”га олиб боргани учун ишдан бўшатишганини хабар қилди. Шунга қарамай, вазирлик факультет деканини қишлоқ хўжалиги ишларига талабаларни жалб қилишга нима мажбур этгани ва у ўз ташаббуси биланми ёки раҳбарият буйруғи билан ҳаракат қилгани, деган саволга ойдинлик киритмади.²⁰



Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг Андижонга ташрифи арафасида шаҳар хоқими Дилмурод Раҳматуллаев ўқитувчиларни кўчаларни тозалаш ва кўркамлаштириш, шунингдек, бошқа ишларга жўнатди. 2016 йил 5 апрель. “Озодлик” радиоси ўзбек хизмати сурати.

Методология

Мазкур ҳисобот 2018 йилнинг 15 майдан 15 июлигача бўлган даврда UGF мониторингчиларининг таълим ва соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, бошқа давлат хизматчилари, фермерлар ва мактаб ўқувчилари билан ўтказган 62 та батафсил ва қарийб 200 та қисқа интервьюсига асосланган ва ОАВ хабарлари билан тўлдирилган. Батафсил интервьюлар 21 ёшдан 58 ёшгача бўлган 34 нафар эркак ва 25 нафар аёл, 13-14 ёшли учта ўсмир билан ўтказилди. Қисқа интервьюларга 50 нафар давлат хизматчиси жалб этилди. Уларнинг 30 нафари таълим соҳасида ишлайди. Қолган 20 нафаридан тўққизтаси тиббиёт ходими, иккитаси давлат банклари хизматчиси ва биттаси давлатга қарашли завод ишчисидир. Шунингдек, UGF мониторингчилари учта бола, етти нафар фермер, битта бозор ишчиси ва маҳкумлар объектдан ташқарида ишлайдиган, тартиб кучли бўлмаган колония маҳкуми билан суҳбатлашди.

UGFнинг тўққизта кузатувчиси Андижон, Фарғона, Жиззах, Хоразм, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида интервьюлар ўтказди. Яна бир суҳбатдош қашқадарёлик эди. Интервьюлар ярим ташкиллаштирилган кўринишда ўтказилди. Интервью олувчиларнинг барчаси Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатини мониторинг қилиш бўйича тажрибага эга. Улар минтақада Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва муносиб меҳнат шароитлари стандартлари, тадқиқот ўтказиш методологияси ва ҳужжатлаштириш стандартлари бўйича иш тажрибасига эга халқаро экспертларнинг тайёрлов семинарларида иштирок этган. Барча интервьюлар суҳбатнинг мақсади ҳақида яқка тартибда хабардор қилиш ва махфийлик шартлари сақланган ҳолда розилик олиш асосида ўтказилди. Суҳбатдошларнинг анонимлигини ҳимоялаш мақсадида идентификация қилишга ёрдам берувчи баъзи деталлар ёки жойлар тушириб қолдирилди. Мониторингчилар маҳаллий тилни (ўзбек ва/ёки рус тилини) билади ва интервьюни суҳбатдошнинг она тилида таржимонларсиз ўтказди.

4-сектор рахбари

А.Валиев

Сулаймонов Илхом

Бириктирилган корхона

“Челак дехкон бозори”

МЧЖ рахбари:

Д.Зиятова

“Обод кишлок” давлат дастури доирасида тадбиркорларни ўз уйининг ташки кўринишини тартибга келтира олмайдиган қашшоқ оилаларнинг хонадонлари ҳолатини яхшилашга масъул этиб тайинлашди. Суратда: давлат дастури доирасида рахбари ушбу уйни таъмирлаш учун масъул бўлган “Челак дехкон бозори” хусусий корхонасининг номи ёзилган тахталавха. 2018 йил 11-июнь. Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми сурати.

Давлат хизматчиларининг 2018 йил баҳорида ҳам давом этаётган мажбурий меҳнати

Ҳукуматнинг баёнотларига қарамай, ушбу тадқиқот ўтказилган 2018 йилнинг бутун баҳори ва ёзи бошларида UGF кузатувчилари пахтачиликдан ташқари соҳаларда ҳали ҳам давлат сектори хизматчиларининг мажбурий меҳнатидан кенг фойдаланилаётганини аниқлади. Шаҳар, туман ва вилоятлар амалдорлари ўзлари раҳбарлик қилаётган бюджет ташкилотлари ходимлари ва бошқа шахслар, масалан, фермерларни ишчи кучи ва пул маблағлари манбаси сифатида марказнинг талабларини бажариш ва маҳаллий эҳтиёжларни қондириш, жумладан, тозалик ва тартибни сақлаш, қурилиш, ободонлаштириш ва кишлок хўжалигида эксплуатация қилишда давом этдилар. Бу вазифа, биринчи навбатда, мактаб ва олий ўқув юрглари, шунингдек, давлат банклари ва заводлари, коммунал хизматлар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари каби давлат муассасалари зиммасига юкланади. Сухбатлар ўтказилган барча вилоятларда (биттасидан ташқари) давлат сектори хизматчилари, фермерлар, битта бозор ва битта завод ишчиси, шунингдек, уч нафар ўқувчи 2018 йил баҳорида амалдорлар уларни гарчи пахта далаларида ишлатмаган бўлса-да, таҳдид остида қўшимча ҳақ тўламасдан ўзларининг одатий вазифаларига умуман боғлиқ бўлмаган ишларни бажаришга мажбурлашда ёки бунинг учун уларнинг маошидан ушлаб қолишда давом этганларини билдирдилар.²¹ Бу вазифалар сирасига пилла етиштириш ва териб олиш, кўчаларни тозалаш, ободонлаштириш ва жамоатчилик тадбирларига тайёргарлик каби “жамоат” ишлари, металллом ва макулатура йиғиш, 2018 йил мартда кишлок жойларда турмуш кечириш ва бошқа инфратузилмаларни яхшилаш бўйича президент Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган “Обод кишлок” дастурини бажариш киради.²² Ўн бир киши бундай ишлар уларнинг қадрини ерга уришини ва касбининг нуфузига путур етказишини таъкидлади.²³ Масалан, битта ҳамшира: “Биз беморларнинг қон босимини ўлчаётган пайтимизда тирноқларимиз остидаги кирдан уяламиз”, дея тан олди.²⁴ Яна икки киши эса қўл меҳнати билан шуғулланиш ва далада ишлаш учун эмас, балки ўз касбини пухта эгаллаш учун астойдил ўқигани ва

меҳнат қилганини билдирди.²⁵ Ғалла ўримига раҳбар бўлиш талаб қилинган мактаб директори бу ишни бажаришга рози эканини, аммо бу мажбурият эканини, уни бажаришдан бош тортса, жазоланишини тан олди.²⁶

Мажбурий меҳнатга жалб этилган давлат хизматчилари ва бошқа шахслар ишдан бош торта олмасликларини, чунки бунинг учун жазо ва жарималар борлигини, кўпинча ишдан ҳайдалиш ёки ўқув соатлари қискартирилишини, яъни бутун маоши ёки унинг бир қисми йўқотилишини билдирди.²⁷ Ишлаётганлар устидан назоратни амалга оширишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, патруллар, милиция ва прокурорлар жалб этилиши меҳнат шаклини, бош тортувчиларнинг жазоланиши ёки жаримага тортилишини ҳамда бу ишларнинг мажбурий ва ҳукумат томонидан назорат қилинишини англатади.²⁸ Ишчилар мажбурий меҳнат ҳақида хабар берса, шикоят қилса, тазйиқлардан ва бошқа оқибатлардан қўрқшини маълум қилди.²⁹ Ўқитувчи аёллардан бирининг сўзларига кўра, у ҳокимликка шикоят қилган, аммо ҳокимлик бу ҳақда унинг бошлиғига хабар берган. Оқибатда бошлиғи унинг дарс соатларини қисқартирган.³⁰

Ушбу тадқиқот ўтказилаётган пайтда Фарғона вилоятининг мансабдор шахслари, бизнингча, мажбурий меҳнатни тақиқлаш йўлида собит эди. Фарғона вилоятида май-июнь ойларида суҳбатга тортилган саккиз нафар давлат хизматчисининг барчаси апрель ойигача ўз иш жойидан ташқарида ишлашга мажбур бўлганларини билдирди. Биттасидан ташқари барчаси президент фармонидан сўнг бошлиқлар улардан мажбурий ишларга қатнашишни талаб қилишни тўхтатишганини маълум қилди.³¹ Фарғоналик шифокорлардан бирининг айтишича, апрель ойидан бошлаб мажбурий меҳнатнинг айрим кўринишлари тўхтаган бўлса-да, у ишлайдиган шифохона ходимларидан бир қисми, жумладан, ҳамшираларнинг муассаса ҳудуди ва атрофидаги кўчаларни супуриш, гул экиш, бегона ўтларни тозалаш ишларига жалб этилиши давом этди.³²



Тошкент шаҳри ўқитувчилари Сергели туманидаги янги уйлари йиғиштиришга жўнатилди. 2018 йил 5 ноябрь. Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми сурати.

“Жамоатчилик” ишлари, кўча тозалаш, ободонлаштириш, “Обод қишлоқ” дастури бўйича мажбурий меҳнат

Кўчаларни тозалаш ва бошқа “жамоатчилик” ишлари, жумладан, супуриш, кўча бўйи ва истироҳат боғларига гул экиш ва уларни чопиқ қилиш, ариқ ва зовурларни тозалаш Ўзбекистонда мажбурий меҳнатнинг пахта теримидан кейинги энг кенг тарқалган кўринишлари бўлса керак. Ушбу тадқиқот ўтказилаётган пайтда ўзбек матбуоти ва ижтимоий тармоқлар бюджет хизматчилари, ўқитувчи ва ҳамширалардан тортиб милициягача кўча супуриш, гул экиш, жузый таъмирлаш билан шуғулланишга мажбур бўлаётгани тўғрисидаги хабарлар билан тўлиб-тошди.³³ Давлат хизматчилари ва бошқа ишчиларнинг айтишича, мактаблар, шифохоналар ва бошқа муассасаларга кўчалар ва ҳудуднинг муайян бир қисми ажратиб берилади ва улар бу жойларни тозалаш ва саранжом-сарийшта тутишга мажбурлар. Кўча тозалаш ҳақида савол берилган давлат хизматчиларидан 42 нафаридан барчаси иш ўрни сақланиши шарти билан шу ишларни ҳозир ҳам бажараётгани, бундан аввал ҳам бажарганини, бундан бош тортиши интизомий чора кўрилишига, иш соати ёки маоши қисқаришига ва ҳатто ишдан бўшатилишига олиб келиши мумкинлигини билдирди.³⁴ Фермер, бозор ишчиси ва мактаб ўқувчиси бундай ишлар уларнинг ҳам мажбуриятига киришини айтди.³⁵

Респондентларнинг сўзларига кўра, мажбурий меҳнат, жумладан, “Обод қишлоқ” дастури бўйича тозалаш, боғ, қурилиш ва таъмирлашга оид ишлар президент фармони эълон қилингандан сўнг ҳам жузый истиснолар билан

давом этган. Фарғона вилоятида сўралганларнинг саккизтасидан еттитаси таққидан сўнг уларни ўз иш жойидан бошқа ерда ишлашга мажбурлашмаганини тасдиқлади.³⁶ Фарғоналик ўқитувчилардан бири апрелдан бошлаб уни ва ҳамкасбларини ҳатто мактаб ҳовлисини супуришга ҳам мажбурлашмаётганини айтди.³⁷ Унинг хоразмлик ҳамкасби кўшимча қилди: “Илгари биз ҳар доим ишлашга мажбур эдик, аммо президент фармонидан сўнг катта ўзгаришлар юз берди. Апрельдан бошлаб ўқитувчилар мажбурий меҳнат билан шуғулланмаяпти”.³⁸

Суҳбатдошларнинг сўзларига кўра, қатор туманларда айрим маҳаллий амалдорлар давлат сектори хизматчиларини мажбурий меҳнатдан озод этаётганига қарамай, давлат муассасалари ва уларнинг ходимлари коммунал хўжалик ишларида қатнашиш мажбуриятига эга, чунки уларнинг иш соатлари қисқартирилмоқда ёки маоши камайтирилмоқда:

- ▶ Хоразмлик ўқитувчи апрель ойидан буён у ва ҳамкасбларини ишлашга мажбурлашмагани, энди уларнинг маошидан янада кўпроқ ушлаб қолишаётганини айтди.³⁹
- ▶ Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида апрелдан буён мажбурий меҳнатдан озод этилган ўқитувчи ва ҳамширанинг сўзларига кўра, уларнинг маошларидан 3,5 фоизи “ижтимоий лойиҳалар” учун ишлар ва материаллар харид қилиш учун ушлаб қолинмоқда.⁴⁰
- ▶ Жиззахдаги болалар боғчаси ходимасининг билдиришича, “ҳашар” учун тарбиячиларнинг маошларидан янада кўпроқ пул ушлаб қолинмоқда: “Бизга нафақат тўлашмаяпти, балки пулимизни ҳам шилиб олишмоқда”.⁴¹

Айрим ҳолатларда давлат хизматчилари ҳали ҳам кўчаларни тозалашга мажбурланмоқда. Аммо ҳокимият органлари буни яширишга уриниб, улардан фаррошларнинг зарғалдоқ жилетларини кийишни талаб қилмоқда ёки биров нима иш қилишини сўраса, ёлғон гапириши кераклигини буюрмоқда.⁴² Тадқиқотчилар бу ҳокимият органларига нима учун кераклигини тушунтириб бера олмайдилар. Бироқ бу каби ҳолатлар жойлардаги амалдорлар марказдан “мажбурий меҳнатни бас қилиш” ҳақида буйруқ олаётгани, лекин уни бажармаганлик ва коррупция учун жиддий жазо йўқлиги сабабли ўз одатларини ташлашни истамаётганликларидан далолат бериши мумкин. Ёки улар шу йўл билан давлат хўжалиги харажатларини қоплаш учун бюджет маблағлари етишмовчилиги ва тепадан берилаётган вазифалар ижросини таъминлаш муаммосини ҳал қилишга уринаётган бўлиши эҳтимоли йўқ эмас.


Давлат сектори хизматчиларининг билдиришича, амалдорлар, жумладан, вилоят ва туман раҳбарлари (ҳокимлар) давлат муассасаларига ҳар қандай мақсадда ва исталган вақтда фойдаланиш мумкин бўлган ишчи кучининг чексиз манбаи сифатида қарайди. Шаҳар хўжалигини ободонлаштириш ва таъмирлаш ҳақида сўралган 42 нафар давлат хизматчисининг барчаси нафақат ҳақ тўланмайдиган ишдан ташқари вазифалар, балки асосий ишидан ажралган ҳолда соатлаб, кунлаб, ҳатто ҳафталар давом этадиган мажбурий меҳнат тўғрисида ҳам гапириб бердилар. Улар кўпинча бу иш тўғрисида огоҳлантирилмайди, бунинг устига, барибир ўзларининг одатдаги ишларини ҳам қилишлари керак. Уларнинг барчаси камида ҳафтада бир неча марта, кўпинча, жумладан, дам олиш кунлари ҳам бир неча соатлаб чўзиладиган мажбурий меҳнат ҳақида сўзлаб берди. Гарчи жавоблар ҳар хил бўлган бўлса-да, интервью берганлар улар ишлайдиган муассасаларнинг 20 фоиздан 60 фоизгача бўлган ходимлари исталган вақтда мажбурий меҳнат билан банд бўлишини таъкидлади. Бунга мажбурий меҳнатга эҳтиёж янада кучаядиган пахта терими мавсуми кирмайди. Масалан:

- ▶ Шифокорлардан бирининг айтишича, шифохона ходимларининг 20 фоиздан 30 фоизгачаси иш вақтини мажбурий меҳнат билан ўтказади;⁴³
- ▶ Мактаб директорининг сўзларига кўра, одатда 35 нафар ўқитувчидан бештаси бир вақтнинг ўзида мактабдан ташқари ишларда банд бўлади, шунинг учун ҳафтасига мактаб 20 ўқув соатини йўқотади;⁴⁴
- ▶ Давлат корхонаси ишчисининг билдиришича, ҳар куни курилишга 150 нафар ишчи жўнатилади;⁴⁵
- ▶ Ўқитувчининг таъкидлашича, у мактабдан ташқарида ҳафтасига 3-4 марта, жами тахминан 15 соат ишлашга мажбур.⁴⁶

Коллеж директорининг сўзларига кўра, унга маҳаллий маъмурият томонидан белгиланган “меҳнат топшириқлари” бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мажбурияти юкланганидан буён қаторасига бир неча ҳафталаб коллежда бўлолмаяпти: “Ҳар куни уларга 20 та, яна бошқа жойга 10 та ўқитувчи жўнатишимга тўғри келяпти”.⁴⁷ У ўқитувчилар дарс ўтишдан кўра кўпроқ мажбурий меҳнатни бажараётганини қўшимча қилди.⁴⁸ Буни бошқа коллежнинг ўқитувчиси ҳам тасдиқлади.⁴⁹ Университет ўқитувчининг айтишича, ходимлар дарс ўтиш ўрнига мажбурий меҳнатга жўнатилаётган пайтларида тезда кийимларини алмаштириб олиши учун доимо ўзлари билан иш кийимлари олиб юради.⁵⁰

Бир ҳамширанинг сўзларига кўра, у ва бошқа ҳамкасблари ҳар куни эрталаб шифохона агрофидаги 500 метрлик ҳудудни тозалашлари керак. Бу ишлар техник ходимларнинг вазифаси бўлса-да, улар ҳам мажбурий меҳнатга олиб кетилиши сабабли тозалаш ҳамшираларнинг зиммасига тушади. Ҳудудни тозаламайдиган вақтларида ҳамширалар кузда бир неча ойлаб пахта теради, 2018 йил баҳорига эса пахта даласини чопиқ қилишга чиқарилган. Мана унинг сўзлари:

“Йил давомида биз кўчаларни супурамыз ва тозалаймиз, шох-шабба йиғамиз ва уни ўтинга ташиймиз. Ҳокимлик атрофини ва истироҳат боғини тозалаймиз. Истироҳат боғидаги кафе ҳокимнинг ўринбосарига тегишли, шунинг учун байрам кунлари ва бошқа тадбирлар вақтида кафе атрофини тозалаш ва боғни саришта қилиш бизга юкланади. Биз кўчаларни тозалаш, йўл бўйига гул экиш, деворларни бўяш ва таъмирлашга мажбурмыз”.⁵¹



“Обод кишлок” дастурининг Дўстлик туманидаги Манас кишлоғида ижро этилиши юзасидан вилоят ҳокими имзолаган фармойишнинг нусхаси. Ўзбекистон президенти топшириқларини бажариш учун маҳаллий ҳокимликларнинг тўғридан-тўғри буйруқлари: 2018 йил 3-4 март кунларидаги мажбурий умуммиллий “ҳашар”га ишчиларни сафарбар этиш; дастур доирасидаги тадбирларни, чиқиндилар йиғишни, кўкаламзорлаштириш, дарахт экиш ва уни парвариш қилиш, бўш ерларда боғлар яратиш ва жамоат жойларида гуллар етиштириш, хусусий бинолар, ҳовилар, қабристонлар, кўчалар, пиёдалар йўлаклари ва ўйин майдончаларини саронжом-саришта сақлаш лойиҳаларини бажаришни таъминлаш. Шунингдек, дастурий тадбирларни амалга ошириш учун жамоат ташкилотлари ва муассасаларига ишчиларнинг бир кунлик маошини “ихтиёрий” равишда “хайрия жамғармаси”га ўтказиш буюрилган. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари ҳам умуммиллий “ҳашар”га жўнатилди. Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми сураги.

Ҳамширанинг айтишича, одатий кунларда у ва ҳамкасблари эрталаб соат 5-6 дан кўча тозалашни ва бошқа жамоатчилик ишларини бошлашади, соат 11 дан 14 гача шифохонадаги ишларини қилишади, кейин эса яна кечки соат 7-8 гача ҳақ тўланмайдиган ишга чиқиб кетишади.⁵²

Айрим суҳбатдошлар жамоат жойларидаги, муассасалар ва кўчалардаги ишлар учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, гуллар, дарахт кўчатлари, бўёқ ва қурилиш материалларини сотиб олиш учун ўз ҳамёнларидан пул ишлатишини билдирди.⁵³ Масалан, хоразмлик ўқитувчилардан бири Япониядан гул сотиб олиш учун ҳар бир ўқитувчининг маошидан 700 минг сўмдан (тахминан 87,50 АҚШ доллари) ушлаб қолингани ва кейин бу гулларни уларнинг ўзлари йўл бўйича экиб чиқишганини айтди. Гуллар совуқдан нобуд бўлганидан сўнг ўқитувчилар маошидан яна пул ушлаб қолинган ва янги гуллар экишга тўғри келган.⁵⁴ Бундан ташқари, аксарият респондентларнинг таъкидлашича, улар мажбурий ишлайдиган жойларида овқатга ва йўлкарага ўзлари пул сарфлайдилар, агар ўзлари бу ишларни қила олмаса, уларни алмаштирадиган ходимларга ҳам тўлашлари лозим.⁵⁵

Ўттиз тўрт киши гарчи ишга жўнатилиш ҳақидаги топшириқни ўз директорлари бошқа раҳбарлардан олишса-да, одатда буйруқлар ҳокимлардан ва бошқа маҳаллий амалдорлардан келишини билдирди.⁵⁶ Ўн етти киши эса уларнинг ишларини кўпинча раҳбарлари билан биргаликда маҳаллий маъмурият ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари назорат қилишини айтди.⁵⁷ Бироқ икки киши, уларнинг фикрича, буйруқлар марказий ҳукуматдан келишини таъкидлади.

- ▶ “Туман вакили мени машғулотлардан олиб кетиш учун келди, - деди ўқитувчилардан бири. – Ишим ўқитиш эканини айтиб, мен рад этдим. У мени ҳақорат қилди ва бизнинг асосий ишимиз президент топшириқларини бажариш эканини айтиб, мени тўққизта ўқитувчи билан бирга Наврўз байрамига стадионни тозалашга боришга мажбур қилди”.⁵⁸
- ▶ Завод ишчиси “корхона шунча ишчини ҳукуматнинг изнисиз мажбурий меҳнатга жўната олмайди”, дея фикр билдирди.⁵⁹

Бундан ташқари, Андижон ва Фарғона вилоятлари туманларидан бўлган беш киши юқори мартабали амалдорларнинг ташрифи олтидан кўчаларни тозалаш ишлари кўпайишини айтди.⁶⁰ Университет ўқитувчиларидан бири Мирзиёевнинг ташрифига тайёргарлик ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

“Сиз кечаси ҳам, кундузи ҳам тозалашга чиқишингиз ҳеч гап эмас. Ҳамма ишни ўзингиз қилишингиз ёки ўрнингизга бошқани ёллашингиз мумкин. Асосийси, йўл бўйлари белгиланган муддатда саранжом-саришта ва чиройли бўлиши керак. Иш президентнинг ташрифига давом этади. Сиз йўлнинг ўзингизга ажратилган қисми охирига боргунингизча тозаланган қисмида ёввойи ўтлар ўсиб туради. Президентнинг қачон келиши эса номаълум. Биз унинг ташрифини уч ой кутдик. Унгача биз, ўқитувчилар йўл тозалашга ҳар куни 3-4 соатдан галма-гал чиқиб турдик”.⁶¹

2018 йил март ойида Мирзиёев қишлоқ турар жой фонди ва инфратузилмасини янгилаш бўйича “Обод қишлоқ” дастурини эълон қилди. Дастурга оид чиқишида президент турар жойлар яроқсиз ҳолга келиб қолгани учун “масъулиятсиз” маҳаллий амалдорларни, уй эгаларини ва қишлоқлар аҳлини (уларнинг асосий қисми қашшоқликда кун кечиради) қойиди.⁶² Дастурда уйларнинг ташқи кўринишини яхшилаш, шунингдек, кўча томондан кўринадиган ёндош ҳудудларни ободонлаштиришга асосий эътибор қаратилган. Андижон, Жиззах, Хоразм, Навоий ва Самарқанд вилоятларидан бўлган давлат хизматчилари маҳаллий ҳокимликлар президент дастурини бажаришнинг барча оғирлигини давлат корхоналари зиммасига юклаганини таъкидлади.⁶³ Давлат сектори хизматчиларининг айтганлари тасдиғини топди: ҳокимликлар ҳар бир давлат муассасасига



“Обод қишлоқ” дастури қабул қилинганидан сўнг бутун мамлакатдаги маҳаллий ҳокимликлар марказий кўчалар бўйларида жойлашган уйлар эгаларига ўз уйларини, худди Навоий вилоятида олинган суратдаги каби, сариқ рангга бўяш топшириғини берди. 2018 йил 11 июнь, Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми сурати.

муайян бир қишлоқ учун жавобгарликни белгилаб берди. Кейин эса ходимларнинг кичик гуруҳларига 10-15 та уйнинг эгаларини хонадонларини талабга мувофиқ таъмирлашга кўндириш ёки бу ишни ўзлари бажариш ва материалларни сотиб олиш топшириғи берилди. Ҳар бир уйнинг ташқи деворларини ва дарвозасини таъмирлаш, ташқи деворлар ва пойдеворни қизил ёки сариқ рангга бўяш, дарахтларни оқлаш, ҳудудни ёввойи ўтлардан тозалаш, ихота кўчатлар экиш шундан талаблар сирасига қиради.⁶⁴

Давлат банки хизматчининг тан олишича: “Албатта, бу мажбурий меҳнат. Агар бу мажбурий меҳнат бўлмаганида биз қишлоқларга бориш учун ўз иш жойларимизни ташлаб, одамларга сиз деворингизни таъмирланг, деймизми. Агар улар бу ишни қилмаса, ўзимиз уни таъмирлаймизми?”⁶⁵ Респондент бу ноқонуний эканини билишини, лекин шикоят қилмаслигини, чунки “раҳбарларга шикоят қилганлар нима аҳволга тушаётганини кўриб турганини” айтди.⁶⁶

Интервьюлардан бирида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳам ободонлаштириш дастурида мажбурий иштирок этишаётганидан нолиди. Тошкентлик милиция подполковниги “Озодлик” радиосига: “Биз тозалаш ва таъмирлаш ишларини қиляпмиз. Шаҳар худудини таъмирлаш – бу президентнинг топшириғи! Барча давлат ташкилотларида “Обод маҳалла” дастурида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Нафақат милиционерлар, балки Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа муассасалар ходимлари ҳам худуд тузаламоқда”, деди.⁶⁷

Ғалла ўримида мажбурий меҳнат

Мамлакатнинг баъзи вилоятларида маҳаллий ҳокимият органлари кўрсатмаси бўйича давлат хизматчилари қишлоқ хўжалиги ишларига, айниқса, ғалла ўрими ва пилла теришга жалб этилган. Ўзбекистонда фермерлар ҳукумат белгилаган режа ва нархларда давлатга ғалла етказиб беради ва бу режани бажармаслик салбий оқибатларга олиб келади.⁶⁸ Ҳокимият, жумладан, ҳуқуқ-тартибот органлари барча ҳосил давлатга топширилишини таъминлаш учун фермерларга тазйиқ ўтказди, жумладан, жисмоний куч қўллайди.⁶⁹

Мактабларнинг бешта директори, ўқитувчи ва яна бир давлат хизматчиси (барчаси эркаклар) маҳаллий ҳокимият уларга муайян фермернинг ғалла ўримида назорат қилиш топшириғини берганини маълум қилди. Улар далада ғаллани кўриқлаган, у давлатга тўлиқ топширилишини назорат қилган.⁷⁰ Уларнинг сўзларига кўра, иш 4 ҳафтадан 6 ҳафтагача давом этган, бу вақт давомида улар тўлиқ шу иш билан шуғулланган, ҳатто ғалла ўғирланмаслиги учун даланинг ўзида ётиб қолган. Уларнинг ҳеч қайсиси ғалла ўғирланиши билан боғлиқ реал таваккалчилик туфайли келиб чиқадиган эҳтимолий таҳдидларга қарамай, бу иш бўйича махсус тайёргарликдан ўтмагани ёки тегишли воситаларга эга бўлмаганини билдирди. Сухбадош эркаклар агар бу ишни бажармаса, жазоланишини таъкидлади. “Агар бир грамм ғалла ўғирланса, биз бошимиз билан жавоб берамиз... Менга (ғаллани кўриқлаш тўғрисида) буйруқ берилди, мен бу буйруқни аскар каби бажаришим шарт. Бу ҳокимликнинг буйруғи”, деди мактаб директори.⁷¹ Директор ғаллани кўриқлашни рад этганида аллақачон ишдан бўшатиш билан бўлишини тасдиқлади.⁷²

Ғалла ўримида иштирок этган давлат хизматчилари бўлмиш суҳбатдошларнинг етти нафари далани кўриқлаш топшириғини ҳоким беришини айтди.⁷³ “Президент мажбурий меҳнатга барҳам беришини ваъда қилганини биламан. Аммо менга ҳоким ва прокурор буйруқ берди ва мен уларга бўйсунман. Ҳокимият вакиллари ҳали ҳам менга буйруқ беради”, деди Тошкент вилоятилик директор.⁷⁴ Бошқа бир директорга эса ҳоким иқтисодий беқарорлик ва ишчи кучи етишмаётган даврда ватанга ёрдам бериш учун давлат хизматчиларини ғалла ўримида ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш президентнинг “алоҳида топшириғи” эканини айтган. Директорнинг сўзларига кўра, ҳоким уларга: “Агар сизлар фақат дарс ўтсаларингиз тўғри бўладими? Агар ўзларингиз ташаббус кўрсатиб, мен мамлакатимизда турмуш шароити яхшиланишига ўз ҳиссамни қўшишни хоҳлайман”, десангиз, сизнинг ҳиссангиз тақдирланмай қолмайди. Балки Юртбошимиз “ол, қулим” деб сизларга машина ёки уй бериши мумкин”, деган. Директор ушбу учрашувнинг барча иштирокчилари бу сўзларни ўз ҳамкасбларига етказишга ваъда бериши ва тегишли қоғозни имзолаши керак бўлганини билдирди.⁷⁵

“Озодлик” радиоси Самарқанд вилояти ҳокимлиги давлат муассасалари ва уларнинг ходимларига ғалла ҳосили ўрим-йиғимида иштирок этишни буюрганини хабар қилди. “Озодлик”ка кўра, 28 май куни кечки соат

9 дан тунги 1 гача давом этган мажлисда ҳоким Туробжон Жўраев давлат муассасалари, жумладан, мактаб ва коллежлар раҳбарларини вилоятдаги ғалла ҳосили ўримига масъул этиб тайинлаган.⁷⁶ Ташкилотлар энг кийин ва шароити оғир туманлар ва хўжаликларга жўнатилган. Мажлис иштирокчиси Жўраевнинг гапириш оҳанги таҳдидли, унинг ўзи эса жуда дарғазаб бўлганини баён қилди.⁷⁷

Ипак қурти пилласи йиғим-теримида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати

Фермерлар давлат режаси бўйича ипак қурти ҳам бокади ва режани бажаришдан бош тортиш ёки бажармаганлик учун жазога тортилади⁷⁸ Пилла етиштириш даври узок давом этмаса-да, аксарият фермерлар учун у кўп меҳнат ва харажат талаб қиладиган иш ҳисобланади. Кўпчилик бу иш билан ўз зарарига шуғулланади. Пилла теримга тайёр бўлганидан сўнг уни қўлда териш, бу жараёни тез яқунлаш керак. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бир неча ҳолатда маҳаллий амалдорлар ўқувчиларни дарсдан текинга пилла теришга олиб кетган:

- ▶ Жиззахлик фермер унинг қизи ва синфдошлари (14-15 ёш) ўзига қарашли фермер хўжалигида фақатгина овқат эвазига кун бўйи пилла терганини айтди.⁷⁹
- ▶ Сирдарё вилоятининг Боёвут туманилик фермер мактаб директори ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси пилла териш учун унинг фермер хўжалигига бир гуруҳ тўққизинчи синф ўқувчиларини (14-15 ёш) олиб келганини маълум қилди. “Ўқитувчиларни жўнатиш тақиқлангани учун болаларни олиб келишди”, деди у.⁸⁰
- ▶ Гулистонлик 14 яшар ўқувчи мактаб директори уларнинг синфига (30 ўқувчи) пилла теришга боришни буюрганини маълум қилди. У имтиҳонларга тайёрланиш учун синфда қолишга рухсат сўраган, лекин директор бу “ҳашар” эканини айтиб, унга рад жавобини берган.⁸¹ У ишламаганлар кейинги синфга ўтиш имтиҳонларига қўйилмаслигини айтиб қўрқитган, ишлаганлар эса юқори баҳо олишини айтган. Ўқувчи қизнинг сўзларига кўра, у ўз синфи билан уч кун ишлаган, бу пайтда бошқа синфлар ҳам пилла теришга жўнатилган. Иссиқда иш оғир бўлган, сояда ҳаммага ҳам жой тегавермаган. Мактабга қайтишганидан сўнг, қизнинг айтишича, дарслар ўтилмагани учун болалар имтиҳонга тайёр бўлмаган, директор эса ишлаганларга юқори баҳо қўйиш ваъдасини “унутган”.⁸²
- ▶ Фарғона вилоятининг Бувайда туманилик (русчада Сирдарё кетган) бир ўқитувчининг билдиришича, ўқитувчиларнинг касаба уюшмаси раиси ўқувчиларни пилла теримига жўнатиш учун имтиҳонларни тўхтатган. Ўқувчилар боришни хоҳламаганида эса уларни уришиб, бу иш ватан учун кераклигини, буйруқ ҳокимдан келганини айтган. Ўқитувчи мактабдаги барча юқори синфлар икки кун давомида пилла терганини маълум қилди.⁸³



Маҳаллий ҳокимият органлари ўзларига қарам бўлган давлат хизматчилари, фермерлар ва бошқа шахслардан ҳеч қаерда ошкор этилмайдиган доимий даромат манбаи сифатида ҳам фойдаланади. Эски ва кенг тарқалган амалиётга кўра, амалдорлар гўёки вилоят ва туман режасини бажариш учун давлат муассасалари ва фермерлардан металллом йиғишни талаб қилади. Ўқитувчилар, ўқувчилар ва бошқалар металллом сифатида топшириш мумкин бўлган нарсаларни излаб, бутун атрофни титиб чиқадилар. Бу оғир ва кадрсиз ишдир.⁸⁴ Битта ўқитувчи уларнинг мактаби йилига саккиз тонна металл топшириши шартлигини айтди.⁸⁵

Бироқ кўпинча металллом ва макулатура топшириш талаби оддий тамагарликдан бошқа нарса эмас. Муассасанинг зиммасига юкланган режани бажариш учун мактаблар ва бошқа муассасалар ўз ходимлари, ўқувчи ёки талабалардан пул йиғади. Уч нафар ўқитувчи ўқувчиларини металллом ёки макулатура йиғишга жўнатишга ёки бу борадаги мажбуриятни пора бериш йўли билан бажариш мақсадида мактаб учун пул йиғишга мажбур эканини билдирди.⁸⁶ Тиббиёт ходимаси эса у ишлайдиган ташкилот ҳар йили бир тонна металллом топшириши шартлиги, уни қаердан олиш ҳеч кимни қизиқтирмаслиги айтган экан: “Раҳбаримиз металл топиш йўлини қилиш кераклигини гапиради, аммо охир-оқибат режани бажарганимиз ҳақида маълумотнома олиш учун одатда пора берамиз”, деди.⁸⁷ Бошқа бир респондент сўзларига кўра, тўлиқ иш кунида ишламайдиган ходимлар ойига 30 минг сўм (3,75 АҚШ доллари), штатдагилар эса 45 минг сўм (5,63 АҚШ доллари) тўлашга мажбурдирлар. У эса пул тўлмаслик учун 150 кг металл топширган.⁸⁸

13 ёшли ўқувчи ўз мактабида металллом йиғиш жараёнини куйидагича тасвирлаб берди: “Уйма-уй юрамиз, чиқиндихоналар, эски трактор паркидан излаймиз. Бу, албатта, қийин. Баъзан металл бўлмайди, чунки уни қишлоқдаги мингдан ортиқ ўқувчи ҳам излайди. Ҳеч қаерда ҳеч нарса қолмаган, шунинг учун узок вақт излашга тўғри келади. Агар топилганда ҳам уни мактабга олиб келиш муаммо. Чунки у оғир бўлади.”⁸⁹ Ўзбекистонда болалар меҳнатининг энг ёмон кўринишлари мавжудлиги сабабли бу интервью жиддий хавотир уйғотади. ХМТ металл в қоғоз чиқиндиларини йиғишнинг хавфли хусусиятини кўрсатиб ўтган.⁹⁰ Ўзбек амалдорлари эса энг камида айрим болаларни ана шундай ишларга мажбурламоқда.

Давлат хизматчилари ва бошқа ходимларни эксплуатация қилишнинг яна бир мунтазам кўриниши уларнинг маошларидан бир қисмининг ушлаб қолинишидир. Бу пуллар мажбурий меҳнат вақтида қурилиш материаллари сотиб олиш ёки ёлланма ишчиларга тўлаш, шунингдек, байрам тантаналари ва бошқа тадбирларни уюштириш ёки мажбурий тартибда уларга чипта сотиб олиш мақсадида йиғилади.⁹¹ Ўқитувчи қатор йиғди-йиғдиларни санаб берди:



“Мактабда яна нимага пул йиғилади? Обунага, концертларга, металлломга, таъмирлаш ишларига, келган комиссияларни овқатлантиришга ва ҳ.к. Яқинда “Обод қишлоқ” дастури учун пул йиғишнинг қизиқ усулини ўйлаб топишди. Ҳокимлик иккита ҳудудни таъмирлаши ва ободонлаштириши керак. Бу ҳудудлардаги уйларни таъмирлаш, кўчаларни асфальташ ва бошқа қурилиш ишларини бажариш учун ҳокимлик ўқитувчиларнинг маошига кўз тикди. Бу пулни шунчаки олиб қўйиш йўлини топа олмай, хайрия концерти уюштирди ва унинг чиптасини ўқитувчиларга 10 минг сўмдан (1,25 АҚШ доллари) мажбурий тарқатди. Бу сумма тумандаги барча ўқитувчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинди.”⁹²



Соғлиқни сақлаш ва таълим ходимлари иш ҳақларидан ҳам мунтазам равишда, жумладан, уларга керак бўлмайдиган газета ва журналларга мажбурий обуна учун пул ушлаб қолинган.⁹³ Тиббиёт ходимларидан бирининг айтишича, “ҳар ойда улардан яна нималаргадир пул ушлаб қолишади. Ўтган йилда ҳеч ким ўқимайдиган газета обунаси учун 80 минг сўм (қарийб 10 доллар) ушлашди. Яна нима учун пул ушлаб қолишларини билмайман”.⁹⁴

Ҳокимият томонидан ходимлар эксплуатация қилинишининг кенг тарқалган амалиёти шахсий бойиш мақсадидаги суиистеъмолчиликларга олиб келди. Давлат секторининг хизматчиларидан тўрт нафари раҳбарият уларни уй ишларини (болаларга қараш, овқат тайёрлаш, томорқа ёки боғда ишлаш) бажаришга мажбурлаганини билдирди.⁹⁵ Битта хизматчи аёлга касаба уюшмаси вакилининг уйини тўлиқ саранжом-саришта қилиш буюрилган.⁹⁶ Бошқалар сингари улар ҳам бу ишларни қилишга мажбур бўлганликлари, рад этишганида ёки шикоят қилишганида ишдан бўшатилишлари ёки жазоланишларини айтишди.

Сўровда қатнашган хизматчиларнинг барчаси мажбурий меҳнатнинг ҳалокатли оқибатлари ҳақида гапирди. Бундай меҳнат уларнинг вақтини ўғирлайди, кадр-қимматини ерга уради, муносиб даромад қилиш имкониятини бермайди. Ҳар йили муассасалар малакали ходимларининг минглаб соат вақтини олади, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа давлат хизматларининг сифатини пасайтиради. Ўқитувчилар ва бошқа давлат хизматчилари икки томонлама эксплуатация остида қолмоқда. Чунки улар ўз касбий мажбуриятларига кирмайдиган, ҳақ тўланмайдиган ишларни бажаришга ва мажбурий меҳнат туфайли иш ўрнида бўлмайдиган ҳамкасблари учун ҳам кўшимча вазибаларни ўз зиммаларига олишга мажбурдирлар.

Сўровда қатнашган
хизматчиларнинг барчаси
мажбурий меҳнатнинг ҳалокатли
оқибатлари ҳақида гапирди.
Бундай меҳнат уларнинг вақтини
ўғирлайди, кадр-қимматини ерга
уради, муносиб даромад қилиш
имкониятини бермайди.

Бундан ташқари, мажбурий меҳнат энг қашшоқларга оғир таъсир этади. Кам маош оладиган давлат сектори хизматчилари иш ўрни ва даромадларини йўқотишдан қўрқиб, шикоят қилиш ва рад этиш имкониятига эга эмас. Улар ўрнига одам ёллай олмайди, овқатланиш, йўлқира ва бошқа харажатларни қўтаришга қийналади. Хизматчилари ариқ тозалаш ёки дала ишлари билан банд бўлиб қолаётган поликлиника ва мактабларда хизмат сифати пасайиб бораётган бир пайтда камбағалларнинг хусусий шифокор ва ўқитувчининг нисбатан сифатли хизматларини тўлаш учун маблағ топиши жуда оғир. Қишлоқ ҳамшираларидан бирининг сўзларига кўра, пули бор беморлар тиббий ёрдам олиш учун шаҳарга боради, чунки қишлоқ врачлик пунктларида ходимлар иш жойида бўлмайди. Натижада фақат камбағал оилалар бу пунктларга боғланиб қолмоқда.⁹⁷ Ўқитувчилар кўча тозалаш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишларига кетиш олдидан дарсларни бекор қилишларини ёки бу фанни билмайдиган бирорта ҳамкасблари уларни алмаштиришини таъкидлади. Университет ўқитувчиларидан бирининг айтишича, у баъзан ўзига топширилган ишни қилишга талабаларини жўнатади, лекин бунинг учун уларга пул тўламайди, балки яхши баҳо қўяди.⁹⁸



Касаба уюшмалари мустақил эмас ва ишчиларни ҳимоя қилмайди

Сўровда қатнашган давлат хизматчиларининг олтирасидан ташқари барчаси касаба уюшмаларига аъзо эканини билдирди. Бу олти кишидан учтаси эса касаба уюшмасига аъзо ёки аъзо эмаслигини билмасликлари, лекин ўзларининг маошидан аъзолик бадаллари ушлаб қолинишини айтди.⁹⁹ Бир киши аъзо бўлишни рад этган,¹⁰⁰ бошқасининг эса шартномаси йўқ,¹⁰¹ яна бири эса пенсияга чиқиб бўлган.¹⁰² Сўралганларнинг айримлари меҳнат шартномасини имзолаётганларида касаба уюшмасига аъзо бўлишга ариза ёзганларини, бошқалари эса ишга қабул қилиш чоғида автоматик равишда касаба уюшмасига ҳам аъзо бўлишганини таъкидлашди. Ҳозир Ўзбекистонда мавжуд касаба уюшмаларининг барчаси Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси (ЎКУФ) таркибига киради. Гарчи ҳеч бир конун ЎКУФдан мустақил касаба уюшмаси тузишни тақиқламаса-да, бир қанча вақт муқаддам бу борада қилинган ягона уриниш ҳам эндигина ташкил этилган ташкилотни тарқатиш юбориш ва бу ташкилот раҳбарларининг учтасидан иккитаси учун қамок муддати белгиланиш тўғрисида суд қарори қабул қилинишига сабаб бўлди. Қамалганлардан бири турмада ўлди.¹⁰³

Мустақил тадқиқотчилар Ўзбекистон ҳукумати ЎКУФ устидан умумий назоратни амалга ошириши ва унинг раҳбарияти иш берувчилар билан боғлиқ экани ҳақида далилий ҳужжатлар йиғди.¹⁰⁴ Сўровда қатнашган

Ушбу карикатура 2017 йил 7 июлда Тошкентда Халқаро пресс-клуб йиғилишида ўқитувчиларни уларнинг касб мажбуриятига кирмайдиган турли мажбурий ишларга жалб қилиш мавзусидаги баҳс-мунозараларга асосланган. Олий Мажлис (парламент) Сенати аъзолари Светлана Ортиқова ва Баҳодир Тожиев журналистларнинг мажбурий меҳнат ҳақидаги саволларига жавоб қайтарди. Журналист Барчиной Жўраева кўчаларни тозалаш ва кишлоқ хўжалиги ишларини бажариш мажбурияти давлат муассасаларининг барча ходимларига юкланганини таъкидлади ва бунга изох сўради. Сенатор Баҳодир Тожиев ўқитувчиларнинг мажбурий меҳнатдан бирорга шикояти тўғрисида эшитмаганини билдирди. Сенатор Светлана Ортиқова эса бундай ишчилар шундай ишларда иштирок этиши кераклигини, чунки ҳеч ким кўчаларимизни тозалаб бермаслигини қўшимча қилди. Фото: UGF

давлат хизматчилари ўз касаба ташкилотларини заиф ва раҳбариятга бўйсунувчи ёки раҳбарият ва ҳукумат томонидан назорат қилинади, дея таърифлаб, тадқиқот натижаларини тасдиқлади. Касаба уюшмалари, уларнинг фикрича, ижтимоий вазифани бажаради – байрамлар ва туғилган кунларга пул йиғади, ҳар замонда озиқ-овқат ва кийим-кечак шаклида моддий ёрдам кўрсатади ҳамда дам олиш ёки болалар оромгоҳлари учун бир қисми тўланган йўлланмалар таклиф этади.¹⁰⁵ Бир ўқитувчининг айтишича, ходимлар “оғиз очмасликлари” учун касаба уюшмалари моддий кўмак кўрсатади.¹⁰⁶

Ишчиларнинг сўзларига кўра, уларнинг касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини қўриқлаш ва ҳимоялашда ҳеч қандай роль ўйнамайди ва уларнинг муаммоларини ечишга кўмаклашмайди. Аксинча, тўртта хизматчи ўз касаба ташкилотларини корхона раҳбарияти ёки маҳаллий ҳокимиятнинг думи, деб атади ва раҳбарият унинг ишига аралашини маълум қилди.¹⁰⁷ Ўқитувчилардан бирининг айтишича, касаба уюшмаси “муассасанинг қулидир”.¹⁰⁸ Учта раҳбар бундай аралашувларни тан олди. Давлат ташкилотларидан бирининг раҳбари қуйидагиларни гапирди: “Бизда касаба уюшмаси бор, лекин у мустақил эмас. Маълум маънода у корхона раҳбариятига қарамдир. Бизники айнан шундай ташкилот. Мен бу уюшма қандайдир мустақил фаолият юритганини эшитмаганман. Бизнинг касаба уюшмамиз “Обод кишлоқ” дастурини бажаришга ёрдам беради”.¹⁰⁹

Бошқа бир раҳбар “касаба уюшмасининг ўзи ҳимояга муҳтож” эканини айтди.¹¹⁰ Учтинчиси эса “Касаба уюшмаси менга бўйсунди, шунинг учун албатта ҳеч нарса қила олмайди”, дея тан олди.¹¹¹ Беш йил давомида касаба уюшмасини бошқарган ўқитувчи мактаб директорининг тўғридан-тўғри аралашувлари ҳақида гапириб берди. Унинг директор билан келишилган вазифаларидан бири “ўз ҳуқуқлари бузилаётган деб ҳисоблаётган ўқитувларнинг шикоятларини тинглаш ва уларнинг нотўғри эканини уларнинг ўзига тушунтириш” бўлган.¹¹² У мажбурий кўча тозалашга чиқмаган ҳамкасбларини ҳимоя қилганидан дарғазаб бўлган директор уни касаба уюшмаси раҳбарлигидан бўшатган.¹¹³

Шунингдек, сўралганлар касаба уюшмалари мунтазам давом этаётган мажбурий меҳнат ва давлат хизматчиларини эксплуатация қилишни тўхтатиш учун ҳеч нарса қилмаганини билдирдилар.¹¹⁴ Уларнинг айримлари ўз касаба уюшмаларини “ночор”¹¹⁵ ва “таъсири йўқ”¹¹⁶, деб таърифладилар ва касаба уюшмалари раҳбарлари мажбурий меҳнатга бошқалар билан бирга жалб этилишини маълум қилдилар.¹¹⁷ Бошқалари эса касаба уюшмалари ўз аъзолари мажбурий меҳнатини ташкиллаштириш, жўнатиш ва назорат қилишда ҳокимият вакилларига ёрдам беришини тасдиқладилар.¹¹⁸

Уларнинг айримлари ўз касаба уюшмаларини “ночор” ва “таъсири йўқ”, деб таърифладилар ва касаба уюшмалари раҳбарлари мажбурий меҳнатга бошқалар билан бирга жалб этилишини маълум қилдилар. Бошқалари эса касаба уюшмалари ўз аъзолари мажбурий меҳнатини ташкиллаштириш, жўнатиш ва назорат қилишда ҳокимият вакилларига ёрдам беришини тасдиқладилар.

Фақат биттагина ўқитувчи касаба уюшмаси раҳбари ўз аъзоларига мажбурий меҳнатни тақиқловчи фармон борлигини айтганини, кейинги йиғилишда бу ҳақда яна бир бор эслатганини билдирди. Аммо у касаба уюшмаси аъзоларига уларнинг ҳуқуқлари бузилса нима қилишлари кераклигини тушунтирмаган. Ўқитувчининг сўзларига кўра, касаба уюшмалари ўз ҳуқуқларини билмайди ва фақат юқорининг буйруқларини бажаради.¹¹⁹

Икки нафар давлат хизматчиси ЎКУФ билан боғланиш механизмнинг рекламасини кўрганликларини, аммо у самарали бўлиши ва раҳбарларнинг ғазабидан ҳимоя қилишига ишонмасликларини билдирди.¹²⁰ Бир ўқитувчи ўзи аъзо бўлган касаба уюшмаси раҳбари фаолияти мисолидан келиб чиқиб ҳеч қачон ЎКУФнинг алоқа телефонида кўнғироқ қилмаслигини айтар экан: “Касаба уюшма раҳбари бўлса-да, унинг директор ёки ҳокимликка қарши боришга умуман хоҳиши йўқ. У “биз мажбурий меҳнат билан шуғулланмаймиз. Бу ҳукумат қарорига зид, бу ноқонунийдир”, дея олмайди. Бунинг ўрнига ўқитувчиларга ишлашга буйруқ беради”.¹²¹

Хулоса

Ўзбекистонда 2018 йил май-июнь ойларида мустақил кузатувчилар томонидан давлат хизматчилари, фермерлар ва бошқа шахслар билан ўтказилган 260 дан ортиқ интервьюдан қуйидаги кузатишларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ▶ Сўнгги вақтларда марказий ҳукумат давлат хизматчиларининг мажбурий меҳнатига қарши чиқди ҳамда бу айрим вилоятлар ва туманлардаги раҳбарларга таъсир қилиб, уларни мажбурий меҳнатдан фойдаланишдан воз кечиш ёки буни яширишга мажбур этди.
- ▶ Шунга қарамай, сўровда қатнашганларнинг аксарияти таъкидлаганидек, ушбу тадқиқот ўтказилаётган бир пайтда раҳбарият ёки маҳаллий амалдорлар уларни мажбурий меҳнатга жалб этиш ёки ўрнига пул талаб қилишда давом этди. Амалдорлар ўз қўл остида ишлаётган давлат хизматчилари ва бошқа шахсларни ҳақ тўланмайдиган турли ишлар, жумладан, кўчаларни тозалаш, ободонлаштириш, қурилиш, ғалла ўрими, металллом ва макулатура йиғиш кабиларнинг ижрочилари сифатида кўради.
- ▶ Мажбурий меҳнатни қоралаб баёнотлар берилаётганига қарамай, марказий ҳукумат вилоятлар ва туманлардаги амалдорлардан мажбурий ишларни, жумладан, ғалла ва пилла етиштириш режасини, шунингдек, мажбурий меҳнатдан фойдаланилиб амалга оширилаётган “Обод қишлоқ” дастурини бажаришни талаб қилишда давом этди.
- ▶ Давлат сектори хизматчилари мажбурий меҳнатга жуда кўп – ҳафтасига бир неча соатдан бир неча кунгача вақт сарфламоқда. Давлат муассасалари иш соатларини йўқотмоқда, аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари, жумладан, соғлиқни сақлаш ва таълим сифати эса пасаймоқда. Мажбурий меҳнат билан банд бўлган давлат хизматчилари овқатланиш, йўлқира, асбоб-ускуналар, материаллар, гуллар ва дарахт кўчатлари сотиб олиш мажбурияти ортидан шахсий харажатлар қилишига тўғри келмоқда.
- ▶ Касаба уюшмалари заиф ва ҳам ҳокимият органлари, ҳам корхоналар раҳбариятига бўйсунди. Касаба уюшмалари аъзоларининг сўзларига кўра, бу ташкилотлар уларни мажбурий меҳнатдан ҳимоя қилмайди, боз устига, касаба уюшмаларининг айрим раҳбарлари корхона раҳбариятига мажбурий меҳнатни ташкиллаштиришга ёрдам беради. Бу эса шикоятларни кўриб чиқиши ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак бўлган касаба уюшмаларига бўлган ишончга путур етказди.

Ушбу ҳисоботда қайд этилган меҳнат қонунларининг бузилиши пахтачиликдаги мажбурий меҳнат ва эксплуатация истисно эмас, балки авторитаризмга хос бўлган кенг кўламли муаммолар, жумладан, муносиб меҳнатнинг халқаро тан олинган меъёрларига амал қилинмаслиги, меҳнаткашларнинг мустақил ва нуфузли ташкилотлари эркинлиги йўқлиги кабиларнинг бир қисми эканини кўрсатди. Қонун бузилишига оид сиёсатни амалга оширишни назорат қилиш учун маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳуқуқ-тартибот идораларидан ҳаддан ортиқ фойдаланилиши, шунингдек, коррупция бу муаммоларни чуқурлаштирмоқда ҳамда давлат хизматчилари ва бошқа меҳнаткашларни эксплуатация қаршисида ўта ҳимоясиз қилиб қўймоқда.

Пахта етиштиришда мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича сезиларли қадамлар ташланаётганига қарамай, Ўзбекистонда мажбурий меҳнатдан воз кечиш ва меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишчиларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, хабардорлик маданияти, ҳисобдорликнинг, ҳамда шикоятларни кўриб чиқишнинг самарали механизмларини яратиш, жарбланувчиларнинг ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга қаратилган янада кенгрок ислохотларни амалга оширишни талаб қилади. Шу билан бирга, ҳукумат вилоят ва туманлар мансабдор шахслари масъул бўлган зарурий ишларни бажариши учун етарли маблағ ажратиши, шунингдек, бюджет шаффофлигини таъминлаши ва коррупцияга қарши курашиши керак. Бу ислохотларни амалга оширишнинг устувор вазифаси Ўзбекистонда меҳнаткашларни мажбурий меҳнатдан ҳимоя қилишга ёрдам бера оладиган мустақил ва нуфузли ташкилотларни тузиш эркинлигини таъминлаш бўлиши керак.

Endnotes

- 1 Халқаро меҳнат ташкилоти, “Third-party monitoring of measures against child labour and forced labour during the 2017 cotton harvest in Uzbekistan” [Ўзбекистонда 2018 йилги ҳосилни йиғиштириб олишда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши кураш чораларининг учинчи шахслар томонидан ўтказилган мониторинги], 2018 йил февраль, 27-бет. www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---ipec/documents/publication/wcms_617830.pdf
- 2 Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми, “Cotton Harvest Chronicle 2018, Issue 4” [Пахта йиғим-терими хроникаси-2018, 4-нашр], 2018 йил 20 октябрь, <http://uzbekgermanforum.org/cotton-harvest-chronicle-2018-issue-4/>
- 3 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясидаги чиқишида Мирзиёев пахтачиликда мажбурий меҳнат мавжудлигини тан олган ва бу муаммони ечишда ХМТ билан ҳамкорлик қилинаётганини таъкидлаган эди. Hugh Williams and Steve Swerdlow, “Uzbekistan’s Leader Talks Rights, Now More Action Needed” [Ўзбекистон раҳбари ҳуқуқлар ҳақида гапирмоқда, аммо кўпроқ амалий ҳаракат керак]. Human Rights Watch, 2017 йил 21 сентябрь, <https://www.hrw.org/news/2017/09/21/Uzbekistans-leader-talks-rights-now-more-action-needed> (2018 йил 9 октябрда кўрилган). Ўшандан буён Мирзиёев мажбурий меҳнат қораланган бир неча баёнот билан чиқди ҳамда амалдорларга давлат хизматчилари ва бошқа ходимларни пахта соҳасидаги ва кўча сугуриши каби ихтиёрий бўлмаган текин ишларга жалб этмаслик ҳақида кўрсатмалар берди. Қаранг: “Шавкат Мирзиёев: болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат бизга керак эмас”. Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми, 2018 йил 3 июнь, <http://uzbekgermanforum.org/Шавкат-Мирзиёев-we-do-not-need-child-and-forced-labor/> (2018 йил 9 октябрда кўрилган). 2018 йил 10 майда ҳукумат давлат хизматчилари ва талабаларни мажбурий меҳнатга жалб этишга барҳам бериш тўғрисида қарор қабул қилди ва Меҳнат вазирлиги ҳамда бош прокурорга ушбу амалиётга чек қўйиш чораларини кўриш тўғрисида топширик берилди. “Uzbekistan Takes Steps to Eradicate Forced Labor” [Ўзбекистон мажбурий меҳнатга барҳам бериш чораларини кўрмоқда] RFE/RL, 2018 йил 11 май, <https://www.rferl.org/a/Uzbekistan-takes-step-to-eradicate-forced-labor/29220945.html> (2018 йил 9 октябрда кўрилган).
- 4 “Uzbekistan: Some Workers Excused From Cotton Fields: Political Will Needed to End Forced Labor,” Cotton Campaign [“Ўзбекистон: айрим ишчилар пахта далаларида ишладдан озод қилинмоқда: мажбурий меҳнатга барҳам бериш учун сиёсий ирода керак”, “Пахта кампанияси”], 2017 йил 5 октябрь, <http://www.cottoncampaign.org/Uzbekistan-judge-progress-vs-reality.html> (2018 йил 9 октябрда кўрилган).
- 5 Батафсил қаранг: “We Pick Cotton Out of Fear”: Systematic Forced Labor and the Accountability Gap in Uzbekistan” [“Биз кўрканимиздан пахта терамиз”: Ўзбекистонда тизимли мажбурий меҳнат ва ҳисобдорлиқнинг йўқлиги], Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми, 2018 йил 19 май, <http://uzbekgermanforum.org/we-pick-cotton-out-of-fear-systematic-forced-labor-and-the-accountability-gap-in-uzbekistan/> (2018 йил 5 октябрда кўрилган).
- 6 Қаранг: “‘Fieldwork never ends for us’: Forced Labor in Cotton Spring Fieldwork in Uzbekistan” [“Биз учун дала ишлари ҳеч қачон тугамайди”: Ўзбекистонда пахта йиғим-теримида мажбурий меҳнат], Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми, 2017 йил октябрь, http://uzbekgermanforum.org/wp-content/uploads/2017/10/Report_2017.pdf (2018 йил 16 июлда кўрилган).
- 7 “We want farmers to have full freedom:” No Need for Forced Labor when Farmers are Empowered to Pay Decent Wages” [“Биз фермерлар бутунлай эркин бўлишни хоҳлаймиз”: муносиб маош тўлаш имконияти берилса, мажбурий меҳнатга зарурат бўлмайди], Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми, 2018 йил 10 сентябрь, <http://uzbekgermanforum.org/we-want-farmer-bilan-intervyos-to-have-full-freedom-no-need-for-forced-labor-when-farmer-bilan-intervyos-are-empowered-to-pay-decent-wages-spring-cotton-fieldwork-2018/> (2018 йил 5 октябрда кўрилган).
- 8 Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми, “Cotton Harvest Chronicle- 2018, Issue 3,” 2018 йил 13 октябрь, <http://uzbekgermanforum.org/wp-content/uploads/2018/10/Cotton-Harvest-Chronicle-2018-Issue-3.pdf>
- 9 “Death of Uzbek Teacher ‘Forced To Clean Streets’ Sparks Controversy,” RFE/RL, 2018 йил 20 март, <https://gandhara.rferl.org/a/uzbek-yukituvchi-bilan-intervyos-death-sparks-controversy/29110657.html> (2018 йил 13 июлда кўрилган).
- 10 “Самарқанддаги фожиа: Президентнинг келишига трасса ўртасидаги бордюрни бўяётган 23 ёшли ўқитувчини машина уриб кетди”, «Новости Узбекистана», 2018 17 март, <https://uz.uz/obschestvo/31174-tragediya-v-samarkande-23-letnyuyu-uchitelnicu-sbila-mashina-na-trasse-gde-ona-krasila-razdelitelny-bordyur-k-priezdu-prezidenta.html> (2018 йил 9 октябрда кўрилган.); “Президент учун қурбонлик. Ўқитувчи Диана Еникееванинг ўлими ҳақида”, Asia Terra, 2018 йил 25 март, <http://www.asiaterra.info/prava-cheloveka/umeret-za-prezidenta-o-gibeli-uchitelnitsy-diany-enikeevoy/> (2018 йил 9 октябрда кўрилган.); “Самарқандда Мирзиёевнинг келишига кўча тозалашга чиққан ёш ўқитувчини машина уриб кетиб ўлдирди”, Ozodagon, 2018 йил 17 март, <http://catoday.org/centrasia/v-samarkande-avtomobil-nasmert-sbil-moloduyu-uchitelnicu-vyshedshuyu-na-uborku-ulic-k-priezdu-mirziyaeva>, 2018 йил 9 октябрда кўрилган).
- 11 “Шавкат Мирзиёев: бизга болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат керак эмас”, Kun, 2018 йил 31 май, <https://kun.uz/ru/news/2018/05/31/savkat-mirziyev-nam-ne-nuzen-detskij-i-prinuditelnyj-trud> (2018 йил 18 июлда кўрилган); “Шавкат Мирзиёев ўқитувчиларни кўча тозалашга мажбурлашни “давлатга хиёнат” деб атади”, Fergana News, 2018 йил 16 апрель, <http://www.fergananews.com/news/29478> (2018 йил 9 октябрда кўрилган).
- 12 “Мирзиёев: ўқитувчиларни кўча тозалашга жўнатиш – бу нафақат менга, балки менинг сиёсатимга нисбатан ҳам хиёнатдир”, Садриддин Ашур, Ozodlik, 2018 йил 16 апрель, <https://rus.ozodlik.org/a/29169728.html> (2018 йил 18 июлда кўрилган); “Мирзиёев ҳукуматга мажбурий меҳнатга оид ҳар бир ҳолатни фавқулодда вазият сифатида кўриш топширигини берди”, Ozodlik, 2018 йил 18 апрель, <https://rus.ozodlik.org/a/29174133.html> (2018 йил 18 июлда кўрилди); “Мажбурий меҳнатга оид ҳар бир ҳолат фавқулодда вазиятга тенглаштирилади – бош вазир”, Gazeta.uz, 2018 йил 18 апрель, <https://www.gazeta.uz/ru/2018/04/18/forced-labor/> (2018 йил 18 июлда кўрилган).
- 13 “Uzbekistan Takes Step To Eradicate Forced Labor,” RFE/RL, 2018 йил 11 май, <https://www.rferl.org/a/Uzbekistan-takes-step-to-eradicate-forced-labor/29220945.html> (2018 йил 13 июлда кўрилган).
- 14 “Умумхалқ хашари 18-19 августда ўтказилади”, Gazeta.uz, 2018 йил 14 август, <https://www.gazeta.uz/ru/2018/08/14/hashar/> (2018 йил 6 сентябрда кўрилган).
- 15 Пахтачиликдаги мажбурий меҳнатга “хашар”нинг роли таҳлилини пахта йиғим-терими кампаниясига оид ҳисоботда қаранг (Cotton Campaign report, Federation of Trade Unions of Uzbekistan: A Workers’ Organization or an Instrument to Control Workers?, 2017 йил ноябрь, 28-бет, www.cottoncampaign.org/uploads/3/9/4/7/39474145/ftuu_full_reformatted_report.pdf).
- 16 “Хашарни мажбурий меҳнатга тенглаштириш керак эмас – бош вазир”, Gazeta.uz, 2018 йил 14 август, <https://www.gazeta.uz/ru/2018/08/14/aripov/> (2018 йил 6 сентябрда кўрилган).
- 17 Барнуш Охунжонованинг Фейсбукдаги “Халқ билан мулоқот” гуруҳидаги пост, 2018 йил 15 август, <https://www.facebook.com/groups/649483048588031/permalink/946965475506452/> (2018 йил 6 сентябрда кўрилган).
- 18 Қаранг: “We pick Cotton out of Fear,” Ineffectiveness of Feedback mechanisms, p. 72, and Government Accountability Measures Inadequate, p. 82.
- 19 “Америка овози”, ХМТнинг Ўзбекистондаги бош техник малаҳатчиси Йонас Аструп билан интервью, 2018 йил 24 сентябрь, <https://www.youtube.com/watch?v=8B0EoJyPnRU&feature=youtu.be>.
- 20 “Талабаларни мажбурий ишга жалб қилган раҳбарлар ишдан олинди”, Kun, 2018 йил 6 июнь, <https://kun.uz/news/2018/06/06/talabalami-mazburij-isha-zalb-kilgan-rabarlar-isdan-olindi> (2018 йил 18 июлда кўрилган).
- 21 Ўзбекистон-Германия форуми, фермер билан интервью, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, 27 май 2018 г.; ўқитувчи билан интервью, Андижон вилояти, Андижон, 2018 йил 11 май; шифокор билан интервью, Фарғона вилояти, Бувайда тумани, 2018 йил 15 июнь; коммунал хизмат ходими билан интервью, Қорақалпоғистон, Нукус; ҳамшира билан интервью, Қорақалпоғистон, Эллиқалъа тумани, 2018 йил 9 июнь; ўқитувчи билан интервью, Қорақалпоғистон, Эллиқалъа тумани, 2018 йил 10 июнь; мактаб директори билан интервью, Қашқадарь вилояти, Чирокчи тумани, 2018 йил 14 май; ҳамшира билан интервью, Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, 2018 йил 5 июнь; университет ўқитувчиси билан интервью, Андижон вилояти, Андижон, 2018 йил 2 июнь; ўқитувчи билан интервью, Андижон вилояти, Булокбоши тумани, 2018 йил 6 июнь; ўқитувчи билан интервью, Андижон вилояти, Олтинқул тумани, 2018 йил 7 июнь; ферма директори, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, 2018 йил 18 июнь; болалар боғчаси ходими билан интервью, Андижон вилояти, Булокбоши тумани, 2018 йил 9 июнь; ўқитувчи билан интервью, Андижон вилояти, Бўз тумани, 2018 йил 24 июнь; мактабгача таълим муассасаси ходими билан интервью, Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, 2018 йил 7 июнь; шифохона санитаркаси, Андижон вилояти, Андижон, 2018 йил 23 июнь; фермер билан интервью, Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, 2018 йил 9 июнь; ўқитувчи билан интервью, Андижон вилояти, Булокбоши тумани, 2018 йил 16 июнь; завод ишчиси билан интервью, Андижон вилояти, Хонобод тумани, 2018 йил 10 июнь; ўқитувчи билан интервью, Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, 2018 йил 26 июнь; ўқитувчи билан интервью, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, 2018 йил 8 июнь; ўқитувчи билан интервью, Хоразм вилояти, Гурлан тумани 2018 йил ? май; фермер билан интервью, Хоразм вилояти, Гурлан тумани, 2018 йил 7 июнь; фермер билан интервью, Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, 2018 йил 20 июнь; соғлиқни сақлаш ходими билан интервью, Жиззах вилояти, Жиззах, 2018 йил 22 июнь; давлат хизматчиси билан интервью, Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, 2018 йил 5 июнь; тиббиёт ходими билан интервью, Қорақалпоғистон, Нукус, 2018 йил 3 июнь; давлат хизматчиси билан интервью, Тошкент вилояти, Бўка тумани, 2018 йил 4 июль; мактаб директори билан интервью 1, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, 2018 йил 4 июль; мактаб директори билан интервью 2, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, 2018 йил 4 июль; мактаб директори билан интервью 1, Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, 2018 йил 3 июль; мактаб директори билан интервью 2, Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, 2018 йил 3 июль; ўқитувчи

- билан интервью, Самарканд вилояти, Пайариқ тумани, 2018 йил 4 июнь; коммунал хизмат ходими билан интервью, Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани, 2018 йил 1 июнь; ўқувчи билан интервью, Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани, 2018 йил 1 июнь; банк хизматчиси билан интервью, Самарканд вилояти, Оқдарё тумани, 2018 йил 3 июнь; банк хизматчиси билан интервью, Самарканд вилояти, Иштихон тумани, 2018 йил 3 июнь; мактаб директори билан интервью, Тошкент вилояти, Бўка тумани, 2018 йил 4 июль; ўқитувчи билан интервью, Самарканд вилояти, Каттақўрғон тумани, 2018 йил 3 июнь; давлат хизматчиси билан интервью, Навоий вилояти, Конимех тумани, 2018 йил 7 июнь; давлат ташкилоти раҳбари билан интервью, Навоий вилояти, Конимех тумани, 2018 йил 6 июнь; бозор ишчиси билан интервью, Самарканд вилояти, Пайариқ тумани, 2018 йил 4 июнь; ўқувчи билан интервью, Навоий вилояти, Навоий тумани, 2018 йил 8 июнь; ҳамшира билан интервью, Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, 2018 йил 12 май; ўқитувчи билан интервью, Андижон вилояти, Андижон, 2018 йил 25 май; тиббиёт ходими билан интервью, Андижон вилояти, Хўжабод тумани, 2018 йил 1 июнь; коллеж директори билан интервью, Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, 2018 йил 31 май; ўқитувчи билан интервью, Андижон вилояти, Андижон, 2018 йил 28 май; коммунал хизмат муҳандиси билан интервью, Андижон вилояти, Избоскан тумани, 2018 йил 15 май; ўқитувчи билан интервью, Қорақалпоғистон, Нукус, 2018 йил 3 май; фермер билан интервью, Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, 2018 йил 30 май; 14 ёшли ўқувчи билан интервью, Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, 2018 йил май; ўқитувчи билан интервью, Фарғона вилояти, Бувайда тумани, 2018 йил 23 май; фермер билан интервью, Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, 2018 йил 28 май.
- 22 “Обод кишлок” дастури қабул қилинди”, Uz Daily, 2018 йил 30 март, <https://www.uzdaily.uz/articles-id-36774.htm> (2018 йил 18 июлда қўрилди.).
- 23 Ўзбекистон-Германия форуми, ўқитувчи билан интервью Андижон вилояти, Андижон, 2018 йил 11 май; Ўзбекистон-Германия форуми, шифокор билан интервью, Фарғона вилояти, Бувайда тумани, 2018 йил 15 июнь; солиқ инспектори билан интервью, Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, 2018 йил 11 июнь; мактабгача таълим муассасаси ходими билан интервью, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, 2018 йил 20 июнь; мактаб директори билан интервью, Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани, 2018 йил 14 май; ўқитувчи билан интервью, Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, 2018 йил 16 июнь; ўқитувчи билан интервью, Андижон вилояти, Андижон, 2018 йил 25 май; тиббиёт ходими билан интервью, Андижон вилояти, Хўжабод тумани, 2018 йил 1 июнь; коммунал хизмат муҳандиси билан интервью, Андижон вилояти, Избоскан тумани, 2018 йил 15 май; коллеж директори билан интервью, Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, 2018 йил 31 май.
- 24 Ўзбекистон-Германия форуми, ҳамшира билан интервью, Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, 2018 йил 12 май.
- 25 Ўзбекистон-Германия форуми, шифокор билан интервью, Фарғона вилояти, Бувайда тумани, 2018 йил 15 июнь; ўқитувчи билан интервью, Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, 2018 йил 26 май.
